

АЖРИМ

(Ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2022 йил апрель ойининг 12 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, суд биносиди,

раислик қилувчи, туман судининг судьяси О.Мухаммадиев, С.Унгарова котибалигида, тарафлардан Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Г.Хайдарова, гумон қилинувчи К.Халилов ва унинг ҳимоячиси А.Иминов иштирокида, К.Халиловга нисбатан 1-1006-2204/278-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Халилов Кодир Кобирович - 02.04.1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Ўзбекистон фуқароси, оилали 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Янгиобод кўчаси 16-уйда рўйхатда туриб, истиқомат қилади.

Суд, ишда тўпланган ҳужжатларга ва суд муҳокамасида текширилган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Дастлабки тергов ҳужжатларга кўра, К.Халилов 2021 йил 29 декабрь куни соат 11:00 ларда таниши Кадирова Моҳира Муроджон қизи номига расмийлаштирилган давлат рақами 01 О 952 КВ бўлган SPARK русумли автомобилни, тегишли ҳужжатлар асосида, Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган Бунёдкор شوх кўчаси 2-даражали йўли бўйлаб, Гулханий кўчаси томондан Сеул кўчаси томонга бошқариб бориб, йўналиши бўйича чап томон Сеул кўчаси томонга 20 км/соат тезликда бурилган вақтида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди 1-қисми 11-банди “г” қисми, 13-банди 2 ва 4 қисмлари, 96-бандида яъни, “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишга хавф туғдирмаслиги керак”, “транспорт воситасини ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёда(лар)га нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, “йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши ва уларнинг келишини кутиши шарт”, “чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда(лар)га йўл бериши керак” деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан унинг йўналишига нисбатан ўнг томондан чап томонга йўлни кесиб ўтаётган пиёда 1973 йилда туғилган Иноятов Козимбек Озодбековични автомобилни олд чап томони билан уриб юборган.



Пиёда К.Иноятлов ушбу йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган тан жароҳатлари билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 11.01.2022 йилдаги 67-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, пиёда К.Иноятловни мазкур йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “ўнг елка суяги катта дўнглиги ёпиқ синиб силжиси” каби ўРТАЧА ОҒИР даражадаги тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.

Суд-изшунослик экспертизасининг 11.01.2022 йилдаги 29/17(147) 4.6Z/286-сонли хулосасига кўра “давлат рақами 01 О 952 КВ бўлган SPARK русумли автомобилнинг олд чап қисмида пиёдани уриб юборишга хос техник шикастлар мавжуд”лиги аниқланган.

К.Халиловга нисбатан ЖК 266-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилиб, гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

К.Халилов ариза билан мурожаат қилиб, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, жабрланувчи К.Иноятловга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини ҳамда бир-бирлари билан ярашганликларини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраган.

Жабрланувчи К.Иноятлов ҳам ариза билан мурожаат қилиб, К.Халилов билан ярашганликларини, унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, К.Халиловни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраган.

Суд, жабрланувчи ҳамда судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини ўрганиб, Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси, судланувчи, ҳимоячи ва жабрланувчининг ўзаро ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини айбилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатиш ҳақида билдирган фикрларини эшитиб, К.Халиловнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, тарафлар ўртасида бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув ўзаро хоҳишлари билан ихтиёрий бўлганлигини эътиборга олиб ва ЖК 266-моддаси 1-қисми назарда тутилган жиноят ярашувга тушиши сабабли, ЖК 66-1-моддасига мувофиқ К.Халиловни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, юритилган жиноят ишини айбилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан ярашганлик муносабати билан тугатишни;

-жабрланувчига ЖПК 583-моддаси 5-қисмига асосан, ярашув суд томонидан тасдиқлангач, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини

қотишини тушунтиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Судланувчи **Халилов Кодир Кобирович** Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан жиноят иши ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи К.Иноятов га, ЖПК 583-моддаси тартибида, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолган деб ҳисоблансин.

Ажрим устидан 20 сутка ичида норози томонлар Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья:

О.Мухаммадиев

Маъсул судья: Мухаммадиев Отабек Исламович

